

Biznes-Эксперт

№ 9, 2015

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҶОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Агросуғурталаш: долзарб
муаммолар ва уларни ҳал қилиш
йўналишлари
39

ТЕМА НОМЕРА:

Сфера услуг – приоритетное
направление развития экономики
регионов
66

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

15

Иқтисодий ўсишнинг
омиллари ва
босқичлари

35

Хизмат кўрсатиш тармоқларида
инвестициялаш жараёнларининг
эконометрик таҳлили

Развитие сельского туризма
как фактор повышения уровня
жизни населения в регионах

Реформирование
механизмов управления
с использованием
оптимального бренда

71

85

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей
аттестационной комиссии при
Кабинете Министров Республики Узбекистан
№201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал
«Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных
изданий Высшей аттестационной комиссии
для докторских диссертаций.

Мундарижа

Бозор тамойиллари

- Ш. Ж.ЭРГАШХОДЖАЕВА, Ж. Ғ.ЖАЛИЛОВ.
Саноат корхоналарида маркетинг
фаолиятини бошқаришда мотивация усулларида
фойдаланиш 3

Долзарб мавзу

- Зиёт КУРБАНОВ, Фарход АКРАМОВ,
Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини
такомиллаштириш масалалари 8

Муносабат

- Шохзода КУРБОНОВА.
Ўзбекистон ташқи иқтисодий
фаолиятининг ривожланиши 13

Таққос ва таҳли

- У. ОТЕЕВ, С. СЕЙТНИЯЗОВ.
Иқтисодий ўсишнинг омиллари
ва босқичлари 15

Нуқтаи назар

- Ҳайрилла КУРВОНОВ, Мадина БИЖАНОВА.
Давлат бюджети харажатларининг амалдаги
ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти 20

Соҳа тараққиёти

- Шамсидин ТУҚСОНОВ, Наргиза ИСАЕВА,
Зарипа КАСИМОВА. Мулкдорлар синфини
шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликнинг тугган ўрни 25

Бандлик

- Дилмурод НАСИМОВ. Янги иқтисодиёт
шаклланиши шароитида иш билан бандликнинг
трансформациялашуви 29

Вазиятга назар

- Б.Т.БАЙХОНОВ. Хизмат кўрсатиш
тармоқларида инвестициялаш
жараёнларининг эконометрик таҳлили 35

Кун мавзуси

- Дилфуза БАБЕКОВА, Барно САНАКУЛОВА,
Гулноза ХАЛИКУЛОВА. Агросуғурталаш: муҳим
муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишлари 39

Мулоҳаза

- Нодира ХАСАНХОНОВА. Шахснинг
иқтисодий тафаккури ва унинг тузилмаси 42

Жараён

- Хуршид ЭРГАШЕВ. Ривожланган мамлакатлар
суғурта бозори илгор тенденциялари ва унинг
республикамиз иқтисодиётидаги аҳамияти 47

Нигоҳ

- Гулноза САМИЕВА. Республика озиқ-овқат
бозорида деҳқон хўжалиklarини ўрни 51

Бугуннинг гапи

- Раъно АБДУЛЛАЕВА. Ўзбекистонда
хунармандчилик тадбиркорлигини
ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий
аҳамияти 56

Содержание

Актуальная тема

- А.И. МИРЗАМАХМУДОВ.
Управление хозяйствующими субъектами
в условиях «новой экономики» 61

Тема дня

- Хикматулла САЙДАХМЕДОВ.
Сфера услуг – приоритетное направление
развития экономики регионов 66

Аналитика

- Т.В. КИМ. Развитие сельского
туризма как фактор повышения уровня жизни
населения в регионах 71

Социум

- Ш. Арзуова, Ж. Досекеев, Г. Кайпназарова.
ГМО – угроза или новые возможности? 75

Рыночные исследования

- З.К. УСМАНОВ, М.А. НИЯЗОВ.
Некоторые направления развития
транспортной инфраструктуры регионов 78

Инфраструктура

- Дилфуза РАХИМОВА. Международный
опыт управления экологическим туризмом 81

Экономика

- Дилдора ХАСАНОВА. Реформирование
механизмов управления с использованием
оптимального бренда 85

Капитал

- Гузал АЛИМОВА. Изменения и дополнения в
налогообложении страны в 2014 году и их влияние
на последующий рост макроэкономических
показателей 89

Агросуғурталаш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишлари

Дилфуза БАБЕКОВА,
Барно САНАКУЛОВА,
иқтисодиёт фанлар номзодалари.
Гулноза ХАЛИКУЛОВА,
катта ўқитувчи, ТМИ.

Иқтисодиётнинг реал секторини, шунингдек, аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчилик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш мақсадида банк тизими томонидан катта миқдордаги кредитлар ажратилмоқда.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистондаги агросуғуртанинг муҳим хусусиятлари ёритиб берилган, аграр секторини барқарор ривожлантириш учун кўмаклашишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

В статье рассматриваются важные особенности агрострахования в Узбекистане и разработаны предложения по их устойчивому развитию.

This article discusses the important features of agricultural insurance in Uzbekistan and proposals for their sustainable development.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожланишини қишлоқ хўжалик тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салмоқли қисми мана шу тармоқда ератилади ва аҳолининг катта қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги кенг тармоқли соҳа бўлиб, унда пахтачилик, қўнғаччилик ва чорвачилик етакчи мавқега эга. Айнан, мана шу соҳалар табиий офатлар рўй бериши оқибатида маълум миқдорда зиён кўрадилар. Шунининг оқибатида таъкидлаш зарурки, қишлоқ хўжалик товар

ишлаб чиқарувчиларнинг, биринчи навбатда, фермер ва деҳқон хўжаликларининг табиий офатлар ва бошқа олдиндан кўриб бўлмайдиган стихияли ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрган зарарларини қоплашда суғурта муҳим ўрин тутаети. Зеро, суғурта – барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг мулкий манфаатларини ҳимоя этувчи ишончли воситадир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг табиий офатлар ва бошқа рисклар рўй бериши оқибатида кўрган зарарларини суғурта йўли билан

Калит сўзлар: суғурта, суғурта объектлари, суғурта субъектлари, суғурта тарифлари, суғурта мухофотлари.

қоплашни ташкил этиш ҳамда деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилди [1].

Ҳозирги пайтда компания қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига 40 дан зиёд суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бу шубҳасиз, деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий ҳолатларини мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Афсуски, фермер ва деҳқон хўжаликларининг мулкӣ манфаатларини суғурталаш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, бу йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар тўпланиб қолганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунончи, қишлоқ хўжалик корхоналарини, жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликларини суғурталаш тизимига бозор механизмларини жорий этиш, уларни суғурта ҳимоясига тўлиқ қамраб олиш даражаси қониқарли ҳолатда эмас. Ҳосил суғуртаси бўйича зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада сақланиб қолаётир. Шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳосилини, уларга қарашли мол-мулклар ва чорва молларини суғурталашда анъанавийлик тамойили устунлик қилади. Ваҳоланки, бозор муносабатлари шароитида иш юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рискларини суғурталаш, уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялашда ноанъанавий суғурта хизматларини кўрсатишни ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларини мажбурий суғурталаш юзасидан олиб борилаётган давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Фермер ва деҳқон хўжаликлари манфаатларини суғурталашни ташкил этишда рақобат муҳитини шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги агросуғуртанинг энг муҳим хусусиятларини ажратиб ўтамыз:

- агросуғуртанинг юқори даражада хавфлилиги ва зарарлилиги, суғурта компаниялари томонидан катта инфратузилма инвестициялари ва жорий маъмурий харажатларини амалга ошириш зарурати;
- ахлоқий хатар муаммосининг долзарблиги;
- жойлашувнинг юқори даражаси ва потенциал суғурталанувчиларнинг жуда кўплиги;
- молиявий имкониятларнинг чекланганлиги ва


қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг агросуғурта муҳимлигини тушунмаслиги [2].

Буларнинг барчаси янги компанияларнинг бозорга чиқишини чеклайди, суғурта қийматини оширади ва суғурта хизматлари билан қоплашни кенгайтиришни секинлаштиради. Бунинг натижасида соҳада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурта қиладиган битта “Ўзагросуғурта” акциядорлик суғурта компанияси фаолият олиб боради. Агросуғурта билан қоплаш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари нуқтаи назаридан ҳали мақбул даражадан анча йироқ. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигини суғурта қилишнинг барқарор ва амалдаги тизими, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасини табиий хусусиятга эга хабарлардан ҳимоя қилишда давлат механизмларини ўз ичига олиши шарт [3].

Ўзбекистонда, энг аввало, “Ўзагросуғурта” компанияси томонидан агросуғурта давлат томонидан қўллаб-қувватланади, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар мулкани ва маҳсулотларини суғурта билан ҳимоя қилади, шунингдек, аграр секторни ривожлантириш бўйича давлат агентлигининг баъзи функцияларини бажаради. Хорижда кенг тарқалган агросуғурта соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари Ўзбекистонда ҳали қўлланмаяпти. Ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича Ўзбекистонда агросуғурта соҳасини ривожлантиришга кўмаклашишга қартилган қуйидаги тавсиялар таклиф этилди. Қишлоқ хўжалиги рискларини суғурта қилиш соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга сола оладиган, шу жумладан, қишлоқ хўжалигидаги суғурта турлари ва мақсадларини, суғурта объектлари ва субъектларини, суғурта тарифлари, суғурта мукофотларини ва суғурта тўловларини тўлаш билан боғлиқ масалаларни, қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурта қилишда иштирок этадиган шахслар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, қайта суғурта қилиш, солиқ солиш масалалари, агросуғурта бозорида давлатнинг иштирок шакллари ва воситаларини белгилаб берадиган махсус қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Суғурта қилувчиларга суғурта бадали суммасидан фойда солиғи тўламай, суғурта бадалини қайтариш имкониятини бериш мақсадида солиқ солиш қоидаларини ўзгартириш.

Ўзаро суғурта жамиятларининг фаолиятини ки



чик хавф-хатарларни суғурта қилишга қаратиб, ўзаро (кооператив) агросуғургани ривожлантириш учун ҳуқуқий база ва солий стимуллари яратиш. Шу муносабат билан УСЖ аъзолари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, нотижорат суғурта ташкилоти сифатида УСЖ мақоми, бошқарув ва назорат органларининг функциялари ва ваколатлари тўғрисидаги қоидаларни, шунингдек, ўзаро суғурта фаолиятида қайта суғурта қилиш ва солиқ солиш масалаларини қонун билан тартибга солиш жуда муҳимдир.

Агросуғурта секторида рақобатни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш. Бунинг учун:

– бозорда фаолият олиб борадиган барча суғур-

та компаниялари учун бирхил бўлган оддий ва шаффоф қоидаларга мувофиқ агросуғуртага субсидия ажратишни таъминлаши;

– турли шаклдаги давлат кўмагини олишда ва суғурта инфратузилмасидан фойдаланишда бозорда фаолият олиб борадиган компаниялар учун тенг шарт-шароитлар яратиш зарур.

Юқоридаги таклифларнинг рўёбга чиқарилиши, бизнингча, агросуғурта сектори ривожини янада рағбатлантиради, бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлиги ошишига ва тармоқнинг инвестицияни жалб қилиш имкониятлари ошишига кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 1713-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги “Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 125-сонли Қарорига асосан акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

3. Рыбин В. «Основы страхования». Учебное пособие. – М.: “КНОРУС”, 2010 г. – 240 стр.